



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 17 апрель, № 79 (7581)

Жума

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 апрель куни кимё, агротехника ва автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқариш суръатларини таъминлаш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, коронавирус пандемияси барча мамлакатлар иқтисодига катта зарар etkazмоқда. Халқаро валюта жағмағармаси ҳисоботида маълум қилинишича, бу йил жаҳон иқтисодиёти кўрсаткичлари камида 3 фоизга пасайиши кутилган.

Шундай мураккаб даврда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва аҳоли даромадлари камайиб кетмаслигини таъминлаш учун барча резервлар ишга солинмоқда. Зарур чора-тадбирлар умумий ёндашув асосида эмас, ҳар бир тармоқ бўйича алоҳида белгиланаётган. Уларга ёрдам бериш, муаммоларни кундалик ҳал қилиш учун Президент Администрацияси, ҳукумат, вазирлик ва идоралар раҳбарлари 128 та йирик ишлаб чиқариш корхонасига брикитрилган.

Кимё саноати мавжуд қувватларни сақлаб қолиш билан бирга янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барча имкониятларга эга. Аммо тармоқдаги бугунги ҳолатга йиғилишда танқидий баҳо берилди.

Қайд этилишича, жорий йилда 9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 280 миллион долларлик экспорт режалаштирилган. Бунга эришиш учун “Ўзимёсаноат”

акциядорлик жамияти тармоқдаги корхоналар фаолиятига кўмаклашиб, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, яқин бир ойда “Навоийазот” акциядорлик жамиятидаги поливинилхлорид корхонаси қуввати 90 фоизга etkazиш, азот кислотаси ишлаб чиқариш лойиҳасини фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги эпидемиологик вазият боис тозалаш ва дезинфекция воситаларига талаб ошган. Хусусан, кўшни давлатлардан 2 минг тонна гипохлоритга буюртма келиб тушган. Шунингдек, тоғ-кон металлургия саноати учун муҳим бўлган цианид тузларига ҳам эҳтиёж ортмоқда.

Шу боис имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мавжуд қувватларни модернизация қилишга қаратилган янги лойиҳалар тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ташқи бозорда маҳсулотларимиз рақобатбардорлигини ошириш учун транспорт харажатларини камайтириш, ҳамкор давлатлар билан келишиб, темир йўл орқали ташиш-

да қулайликлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили 12 июлда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида бўлиб, мутахассислар билан тармоқдаги муаммоларни муҳокама қилган эди. Ундаги мўса ва таҳлиллар асосида 31 июль куни давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ўтган вақт мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Илгирлик техникаларни ўз вақтида сотиш учун харидор билан ишлаш тизимини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга бу борада кредит имтиёзлари бериш зарурлиги қайд этилди. “Ўзгратехно-аглодинг” компаниясига қишлоқ хўжалиги техникаларини электрон буюртма асосида сотиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган қишлоқ хўжалиги машиналари сифати ва нархи танқид қилинди, бу жиҳатда улар хорижийки билан рақобатбар-

дош эмас. Техника қиммат бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи ҳам таъсир қилади.

Шу муносабат билан ҳамма техника нарх-навосини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, металл қўйиш қувватларини тезроқ ишга тушириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

— Маҳаллийлаштиришдан мақсад, ўзимизнинг қишлоқларга мос, деҳқонларга тўғри келадиган ҳамёнбоп миллий тракторлар ишлаб чиқариш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Пахта теримини механизациялаштириш, жорий йил сентябргача жойларга камида 1 000 та пахта териш машинаси etkazиб бериш, барча ҳудудларда сервис марказлари ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Бутун дунёда пандемиядан энг катта зарар кўрган тармоқлардан бири автомобилсозлик бўлмоқда.

Бундай шароитда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун, аввало, ички бозор имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур. Масалан, мамлакатимизда эҳтиёт ва бутловчи қисмлар бозори 500 миллион долларни ташкил

этади. Маҳаллий маҳсулотларнинг ундаги улуши эса, атиги 9 фоиз.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятига жорий йил якунига қадар 300 турдаги импорт бутловчи қисмларни ўзлаштириб, хорижийкидек сифатли ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

Автомобилларнинг янги моделларини назорат қилиш, автокредит бераётган тижорат банкларини рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“SamAuto” ва “MAN” заводларида махсус техникалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр тармоқда талаб қузатилаётган янги турларни ўзлаштириш яхши самара бериши таъкидланди.

Автосаноат маҳсулотлари экспортини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Ишлаб чиқаришдан тортиб, савдо ва сервис хизматига бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш орқали сифатни назорат қилиш, маҳсулотга ишончини ошириш, очик-ошкораликни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида кимё, агротехника ва автомобиль саноати тармоқлари мутасаддилари, йирик корхоналар раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ШАРҚШУНОСЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан Ўзбекистоннинг Шарқ мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи малакали мутахассисларни тайёрлаш, жаҳонда рўй бераётган жараёнларни тўғри талқин қила оладиган таҳлилий тафаккурга эга кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шарқ тиллари бўйича синхрон таржимонларни етиштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, институтида шарқшунослик соҳасида халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, илмий-педагогик салоҳиятини ривожлантириш, таълим жараёнларини ўқув-услубий ва ахборот таъминотини яхшилаш, моддий-техник базани замон талабларига мос равишда янгилашда ўз ечимини қўйишга долзарб муаммолар сакланиб қолмоқда.

Шарқшунослик соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, илм-фанни жадал ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, педагогик маҳоратини узлуқсиз ошириб бериш, талаба-ёшларни шарқона қадриятлар асосида тарбиялашни такомиллаштириш мақсадида:

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти негизида **Тошкент давлат шарқшунослик университети** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этилсин.

2. **Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржиманшунослик, шунингдек, туризм ва гид хамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукамал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш;

Шарқ мамлакатларининг ривожланиши омилига, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, шарқ маданияти ва мероси, қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий-педагогик ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-ҳаётдаги ҳодимларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

республикада шарқ тиллари ва адабиёти, тарихи, маданияти, фалсафаси, сиёсати ва иқтисодиётини ўқитиш бўйича таянч олий таълим муассасаси сифатида хорижий мамлакатларнинг тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда шарқ тилларини билиш да-

ражасини баҳоловчи методикаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, тил таълими соҳасида ҳамда Шарқ мамлакатлари бўйича ахборот беришчи замонавий медиа маҳсулотлар ва электрон ўқув адабиётларни ишлаб чиқиш;

Шарқ мамлакатларидаги замонавий тенденциялар, тарихий жараёнлар, шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик ва монографиялар чоп этиш;

талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустақамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириб бериш;

шарқшунослик ва шарқ маданий мероси соҳаларида профессор-ўқитувчиларнинг республика ҳамда хорижий мамлакатларда стажировка ўташ ва уларнинг малакасини ошириш ишларини мунтазам ташкил этиш; хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда республика учун истиқбол бўлган янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш ҳамда халқаро лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, **2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:**

Университетга таълим стандартларини ишлаб чиқиш, малакавий талабар, ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг билимининг баҳолаш ҳамда ўқув жараёнининг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳуқуқи берилди;

Университетда таълим жараёни босқичма-босқич **кредит-модуль тизими асосида амалга оширилади:**

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг **ўқув режалари ва фан дастурлари Университет томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади;**

Университетда **шарқ тиллари ўқитиладиган таълим муассасалари ўқитувчилари учун доимий фаолият юритувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилади ҳамда курслардан муваффақиятли ўтган педагог кадрларга белгиланган намунадаги сертификат берилди.**

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги жиддий масала бўлиб, айна пайтда ушбу масалани парламент аъзолари халқ манфаатлари ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишмоқда, асосли хулосалар тайёрланмоқда.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Парламент эшитуви биринчи марта видеоконференцалоқ шаклида ташкил этилди.



Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида коронавирус пандемиясига қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимизда кўплаб соҳаларда, жумладан, Олий Мажлис палаталарида ҳам депутатлар, Девош ходимларининг соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида масофадан ишлаш тартиби жорий этиляпти. Ҳозирги шароитда бу энг мақбул усулиги, шубҳасиз. Лекин парламент режисментига биноан бу қонунийми, деган савол туғилади.

Ўзбекистон ЕОИИ билан кенг қўламли интеграцияга тайёрми?

Унда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграциялашуви, ташқи савдо, божжона-тариф тизимини тартибга солиш, бюджет, банк ва молия соҳаси, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ривожланиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида бир қатор вазирликларнинг ахбороти эшитилди.

Парламент эшитувида масофавий тарзда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров ўз ахборотида ЕОИИ билан ҳамкорликнинг Ўзбекистон учун манфаатли жиҳатларига тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ЕОИИ билан ҳамкорлик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, пировард натижада мавжуд иқтисодий ва ижтимоий номуносибликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу ҳамкорлик мамлакатимизда барча соҳада ривожланиш жараёнларини

жадаллаштириш ва глобаллашув талабларига тезроқ мослашиш имконини яратди.

Бинобарин, ЕОИИ билан интеграциянинг миллий иқтисодиётга, жумладан, япни ички маҳсулотга тўғридан-тўғри таъсири бўйича баҳолаш ишлари олиб борилган. Мазкур ҳисоб-китоблар иқтисодиёт тармоқларидаги устулик ва хавфларни, яъни “йўқотиш” ва “ютуқлар”ни инобатга олган ҳолда баҳоланган.



Қуйи палата мажлисини видеоконференцалоқ режимида ўтказиш қонунийми?

Шундан келиб чиқиб, парламент қуйи палатасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисларини видеоконференцалоқ режимида ўтказишга доир масала кун тартибидан биринчи масала, деб тасдиқланди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларнинг масофадан туриб, электрон тарзда фаолият юритишлари учун шароитлар яратилган. Хусусан, карантин тадбирлари эълон қилингандан буён барча фракция йиғилишлари,

қўмита мажлислари видеоконференцалоқ режимида амалга оширилди. Шунингдек, палатанинг япни мажлисларида Ҳукумат аъзолари ва қонун ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакилларининг масофадан туриб, видеоконференцалоқ режимида иштирок этиш имкониятлари таъминланди.



Нуктаи назар

Жамоатчилик палатаси: халқ ва давлат ўртасидаги янги кўприк

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги ғояни кун тартибига қўйди. Ушбу ғояни амалга рўёбга чиқариш учун қуйидаги 4 та муҳим вазифани бажариш талаб этилади:

Биринчи вазифа — аҳолининг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш;

давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан кучли ва самарали жамоатчилик назоратини қучатириш. Мурожаатномадаги энг муҳим креатив ташаббуслардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Жамоатчилик палатаси** ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари**ни ташкил этишдир. Кеча Президентимиз шу ҳақдаги Фармони имзолади.



